ҚЎЛГА ҚАЛАМ ОЛАЙЛИК! – ИЛМИЙ КИТОБЛАР ЁЗИШ ЗАРУРАТИ ҲАҚИДА





Алишер Умирдинов,
Япониянинг Нагоя иқтисодиёт университети профессори, ҳуқуқ фанлари доктори

Мен яшайдиган ҳудуддаги Гифу ва Тояма вилоятларини боғлаган 41-давлат йўли бўйлаб Нобел мукофоти эгалари йўлаги бор. Айнан шу ҳудудда 5 нафар Нобел лауреати соҳиблари етишиб чиққан

» Японларнинг бу даражага етиши ортида нима туради, биласизми? Бунга кўп факторлар таъсир қилган бўлса-да, бир жиҳатни алоҳида айтиш керак – япон олимлари дунёда мавжуд илмни ўрганиб, кейин бу илмни ўз давлатларига китоб ёзиш орқали ташиб келтиришган».

Нобел мукофотини ҳар йили кутувчи японлар

Октябрь ойи келиши билан бутун Япония халқи янгиликларни кузатади, зеро айнан октябр ойининг бошида Нобел мукофоти лауреатлари эълон қилинади. Бу йил ҳам японлар ўзлари кучли бўлган соҳалар – тиббиёт, физика, кимё ва адабиёт соҳаларида бирор япон мукофот олишини кутишди. Катта телеканаллар маросимни тўғридан тўғри узатиб турди. Олимлари мукофот олиши эҳтимоли юқори бўлган университетлар журналистлар учун матбуот анжумани ўтказишга шайланишди.

Бу йил бирор япон олими Нобел ололмади. Аммо бунақа – мукофот кутиш муҳитининг ўзи японларнинг илмга бўлган муҳаббатидан, дунё илмига қўшаётган ҳиссасидан дарак.

Мен яшайдиган ҳудуддаги Гифу ва Тояма вилоятларини боғлаган 41-давлат йўли бўйлаб Нобел мукофоти эгалари йўлаги бор. Айнан шу ҳудудда 5 нафар Нобел лауреати соҳиблари етишиб чиққан.

Японларнинг бу даражага етиши ортида нима туради, биласизми? Бунга кўп факторлар таъсир қилган бўлса-да, бир жиҳатни алоҳида айтиш керак – япон олимлари дунёда мавжуд илмни ўрганиб, кейин бу илмни ўз давлатларига китоб ёзиш орқали ташиб келтиришган.

Оқибатда бир кун келиб илмнинг деярли хоҳлаган соҳасини япон тилида ёзилган китоблар орқали ўрганиш имкони пайдо бўлди. Дунёда қайси соҳада янги тенденция пайдо бўлса, япон олимлари ё ўша соҳада китоб ёзиб миллатига таништиради, ёки бирор ўзга тилда ёзилган китобни тезда япон тилига ўгиради.

Япония ва унинг халқи мана шундай – илмга тўйинган ҳолда илдамлайди. Ва улардан Нобел мукофоти соҳиблари чиқади.

Японияда университет профессори нафақага чиқиш пайти келса, албатта шогирдлари ва ҳамкасблари олдида охирги маърузасини ўқийди ва у илмий ҳаёти давомида қандай назарияларни илгари сургани, амалга оширган илмий ишлари, ёзган ва таржима қилган китоблари ҳамманинг олдида намойиш этилади. Олим ўз соҳасида қай даражада чуқурлашгани, халқига қандай янги соҳаларни оча олгани эътироф этилади.

Демак, бир миллатнинг илм йўлидаги одими ўша мамлакатнинг қай даражада илмлар билан тўйинганига, илм соҳаларининг ўша мамлакат ичига она тилида кириб келганига боғлиқ экан. Шундай экан, биз – ўзбек тадқиқотчилари ва олимлари долзарб илм соҳаларини ва уларга оид китобларни халқимизга тўхтовсиз равишда таништиришимиз даркор.

Ўзбекистонда катта илмий дефицит бор

Илм шу даражада қизиқарли шаклда миллатимиз ёшларига танитилиши лозимки, уларга қизиқиш кескин оммалашсин! Биз эмпирик билимларни, фан ва технология, ижтимоий дисциплиналарни тезлик ила ва тизимли равишда юртимизга ИМПОРТ қилишимиз шарт! Буни японлар амалга оширгани каби.

Ҳамкасбларимга мурожаат қилмоқчиман: илмларни юртимизга «ташиб келиш»га бел боғлайлик. Бошқача қилиб айтганда, илмни юртимизга қайтаришимиз керак...

Дунё биладиган, аммо ўзини ўзи билмайдиган халқ

Ўзбекларни тавсифлаш сўралганда мен «у ҳақда дунё биладиган, аммо ўзини ўзи

билмайдиган халқ» деган бўлардим.

Биз ўзимизни танишимиз, ўзимиз билан юзма-юз келишимиз учун чет элликларнинг биз ҳақимизда ёзган китобларини ўз тилимизга ўгиришимиз керак. Киномиз, оилавий ҳаётимиз, анъаналаримиз, сиёсатимиз, иқтисодимиз, тарихимиз ҳақида ўзгалар ёзган китобларини ўқишимиз керак. Барчаси дақиқ даражада тадқиқ этилган... Кўриб ёқа ушлайсиз.

Бироқ, халқимиз ундай китобларни билмайди, ўқий олмайди. Натижада биз ўзимизни ҳам яхши билмайдиган, танимайдиган халқмиз. Бу эса олим-тадқиқотчиларнинг айби ва масъулиятсизлиги.

Шахсий ривожланиш ва маркетингга оид китобларни чоп этиш ва ўқиш яхши, аммо мамлакатнинг асл муваффақиятини иқтисод, физика, тарих, сиёсат, география, биология, кимё ва ҳоказо илмларни ўрганиш таъминлайди. Бу соҳаларни халқимизга осон тушунтириб берадиган катта ва кичик китоблар тақчиллиги – кундек равшан.

Масалан:

• Коронавирус пандемияси ва унинг оқибатларига оид ўзбек тилида бирор китоб ёзилдими?

• Тожикистон ва Қирғизистон давлатлари билан чегаравий ва сув муаммоларимиз мавжуд. Мавзуни тўлақонли очиб берадиган бирор китоб борми?

• Иқлим ўзгараётгани ҳақида эшитяпмиз. Аслида нима бўлаётганини, Париж битимининг ўрнини, минтақамизнинг кейинги 30-40 йиллик келажагини тушунтирадиган китоб борми?

• Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммитини яқинда ўтказдик. Хўш, ушбу ташкилот нима ва ундан бизга келадиган фойдалар-у, ундаги тортишувлар ҳақида бирон халқаро хавфсизлик соҳасидаги олим бизга китоб ёзиб бердими?

• Афғонистонни амалда бошқариб турган толибларни сиёсий куч сифатида қандай тавсифлаш керак? Ҳукумат неларга эътибор қаратиши керак-у, афғонлар билан ишлайдиган маҳаллий тадбиркорларимиз неларга тайёр туриши керак? Бизда бу борада афғоншунос мутахассислар йўқми? Бор, аммо негадир улар она тилимизда ҳечам ёзишмайди.

Ўзбек тилида дунёни ўрганиб бўлмаяпти

Хитой, Россия, Ҳиндистон, Қозоғистон – нима биламиз бу мамлакатлар ҳақида?

Дунё сиёсати, иқтисоди ва тарихи ҳақида ўзбек тилида китоблар нечта?

Юртимиз тарихи ва унда яшаб ўтган сулолалар ва ундаги тарихий шахсиятлар ҳақида ёзиш керак. Ёзмасак, омма филмларни кўриб, Усмонли султонларни танийди фақат...

Аниқ фанларга оид китоблар ёзиш керак.

Таълим соҳаси, муваффақиятга эришган давлатлар, миллатлар тажрибаси ҳақида ёзиш керак.

Бизни ҳозир кимдир ўрганяпти...

Хитойнинг тадқиқотга йўналтирилган университетларида бизни обдан ўрганишяпти. Россияда ҳам, Европа Иттифоқида ҳам, Япония ва Кореяда ҳам – бизни ўрганишяпти. Ҳинд олимлари ҳам тўхтовсиз бизни кузатиш ва таҳлил қилишда давом этишмоқда. Биз эса ҳатто ўзимизни ўрганмаяпмиз...

Россия БМТ низомига хилоф равишда Украинага бостириб кирди. Мен яшайдиган Японияда шу 6 ой ичида Россия сиёсати ва унинг Украина давлати билан алоқасига оид ўнлаб китоблар чиқди. Бу ҳали мен билганларим. Биз эса ОАВдаги хабарларни кузатамиз, холос...

Хитой «Бир камар, бир йўл» ташаббуси орқали тарихда иккинчи бор дунёга очилмоқда. Ва мана шу очилишнинг энг олдинги сафида минтақамиз давлатлари турибди. Хитой бир неча триллион долларлик валюта захираси ва технологик устунлиги билан Евросиё ва Африка давлатларини иқтисодий жиҳатдан боғлаб олмоқчи. Хитой эртами-кечми дунё қоидаларини Пекинда ёзишади деган ишончда. Бу мавзуда инглиз, япон ва рус тилларида кўп ва ҳўп ёзилди. Аммо «Бир камар, бир йўл»нинг илк манзилларидан бўлган ва Хитойдан бир неча миллиард доллар қарзи, энг катта инвестори Хитой бўлган Ўзбекистоннинг олимлари бу бўйича таҳлилларни халққа етказгани йўқ!

Хитойни таҳлил қиладиган ақл марказлари, илмий ассоциациялар мавжуд эмас. Бу мавзуда етарлича билим олиш учун сиз албатта чет тилини билишингиз керак.

Бу рўйхатни бошқа давлатларни ўрганишга ҳам бирдек татбиқ этсак бўлади.

«СССРча» китоб ёзмайлик

Фақат биз СССР замонидан қолган, турли назарияларни категорияларга бўлиш, синфларга ажратиш ва шундай бор фактни гапириб қўйишга ўхшаган ичи тўла «сув» китоблар ёзмаслигимиз керак. Китобхонга бу керакмас.

Нега ёшлар кўп китоб сотиб олмайди?

Чунки керакли китоб йўқ-да! Биқиқлик юзага келган. Фан соҳаларига оид китоблар жуда ҳам кам ёки деярли йўқ.

Биз ўзимизни танишимиз, ўзимиз билан юзма-юз келишимиз учун чет элликларнинг биз ҳақимизда ёзган китобларини ўз тилимизга ўгиришимиз керак. Киномиз, оилавий ҳаётимиз, анъаналаримиз, сиёсатимиз, иқтисодимиз, тарихимиз ҳақида ўзгалар ёзган китобларини ўқишимиз керак. Барчаси дақиқ даражада тадқиқ этилган... Кўриб ёқа ушлайсиз

Хитой «Бир камар, бир йўл» ташаббуси орқали тарихда иккинчи бор дунёга очилмоқда. Ва мана шу очилишнинг энг олдинги сафида минтақамиз давлатлари турибди. Хитой бир неча триллион долларлик валюта захираси ва технологик устунлиги билан Евросиё ва Африка давлатларини иқтисодий жиҳатдан боғлаб олмоқчи



«Мен соҳамда монография чиқариб қўйганман, Алишер Навоий кутубхонасида турибди»

«Керак бўлса, топиб ўқиб ол» кайфияти – масъулиятсизлик. Бир ойлик чақалоқ сут ичгиси келса, онаси музлатгичга сут қўйиб, бориб ўзинг ичиб олавер дегандек гап бу. Миллат олимлари китобхонни ўзига тортиб олиши лозим. Бунинг учун қизиқарли, жонли услубларни қўллаш керак.

Мен барча тадқиқотчиларни бефойда иш билан шуғулланаётганликда айбламоқчи эмасман. Минглаб фойдали номзодлик ва докторлик диссертациялари бор. Аммо улар аҳоли қўлидаги китобга айланмай, университет архивларида чанг босиб ётибди. Кўплаб илмий иш натижалари аҳолига яқинлаштирилмаган. Осон тилда халққа тақдим этилмаган. Худди ўрта асрлар Европасидек: илм фақат черков ва университетларнинг ичида қолгандек.

Мен барча тадқиқотчиларни бефойда иш билан шуғулланаётганликда айбламоқчи эмасман. Минглаб фойдали номзодлик ва докторлик диссертациялари бор. Аммо улар аҳоли қўлидаги китобга айланмай, университет архивларида чанг босиб ётибди

Ривожланган давлатларда профессорлар нафақат ўзининг илмий ҳалқаси, балки халқ билан ҳам фаол алоқада туриши лозим. Ва шунинг учун ҳам илмий ишларини халқ эътиборига тақдим этади. Бизда ҳолат бошқача.

Самарасиз китоблар

Кўпчилик олимларимиз дарслик ёки ўқув қўлланма чиқариб, ўзларини қойиллатиб қўйгандек тутишади. Аммо қўлланмалари ўша соҳага ихтисослашган университетларда ўқитиладиган 100-200 тиражда чиқади холос. Чиққанида ҳам кўпинча сифатсиз, университет силлабусига мосланган шаклда чиқади ва ўша университет ичида қолиб кетади. Уни бошқа вилоятдаги талаба қўлига олиш эҳтимоли ўта паст.

Кўпчилик олимларимиз дарслик ёки ўқув қўлланма чиқариб, ўзларини қойиллатиб қўйгандек тутишади. Аммо қўлланмалари ўша соҳага ихтисослашган университетларда ўқитиладиган 100-200 тиражда чиқади холос. Чиққанида ҳам кўпинча сифатсиз, университет силлабусига мосланган шаклда чиқади ва ўша университет ичида қолиб кетади

Ўзбекистонда илмнинг давлат ҳудуди бўйлаб циркуляцияси жуда ҳам ёмон.

Ажиб савол-жавоб

Ижтимоий тармоқда мен дуч келган савол-жавоб:

Савол: Ассалому алайкум, китобхонлар. Илмингиз бундан-да зиёда бўлсин. Бир илтимосим бор эди. Педагогикага янгича ёндашув, ўзгача қарашлар мавжуд бўлган, ривожланган давлатлар таълим тизими ҳақидаги илмий асарларни тавсия этсангиз, хусусий мактаб таълимига янгилик киритиш ниятимиз бор. Олдиндан раҳмат.

Жавоблар:

— Чет элни қўйинг, миллий адабиётни олинг.

— Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асари.

Афтидан, бир педагог хусусий мактабда ишлайди (балки унинг директоридир) ва унга ҳозирда ривожланган давлатлардаги таълим тизими ҳақида ёзилган, педагогика соҳасига оид она тилимиздаги китоблар керак. Ва у саволини кўндаланг ташлаб, шундай китоб бўйича хабар беришини сўраяпти. Аммо жавобларнинг бири миллий адабиётга қайтишга чақираётган бўлса, бошқаси 100 йил аввал ёзилган жадид аждодимиз Абдулла Авлонийга йўналтиряпти...

21-асрда яшаётган бизлар Авлонийдан илҳомланишимиз шарт, аммо, у ва унинг китоблари 100 йил кейинги давр учун амалий маслаҳатлар бера олмайди. Миллий адабиёт эса замонавий таълим масаласида бирор қўлга илинарли китобни тақдим этмаган.

Педагог олимларга савол: Финландия, Япония, АҚШ, Англия, Миср, Жанубий Корея, Сингапур, Хитой каби давлатларнинг таълим тизимига оид тизимли китоблар ёзиш пайти келмадими?

Китоб ёзиш учун ҳаммада ҳам PhD титули ёки университет дипломи бўлиши шарт эмас. Ўзини мутахассис ҳисоблаган барча китоб ёза олади.

Японияда китоб ёзишни олимлар ўзларига вазифа деб билишади. Чунки айнан шунинг учун улар давлатдан грантлар олишади! Бизда ундай грантлар йўқ деб ўзингизни оқламанг. Японлар аввалида биздан-да оғир аҳволда туриб грантсиз, катта ёрдамларсиз китоблар ёзишган. Кейинги ақлли авлод эса сўрамаса ҳам грант берадиган бўлган.

«Устоз» номини олиб, ҳар куни юзлаб талабадан «салом» сўзини эшитувчи олимлар! Ҳаммаси давлатнинг эгнида эмас, биз – олимларнинг эгнида ҳам юк бор. «Давлат ҳал этсин, вазирлик югурсин» билан иш битмайди. Олимнинг жидду жаҳдига, қаламининг кучига, илмга вафодорлигига кўп нарса боғлиқ.

Олдинги япон олимлари илмига вафо қилди. Ҳозирги авлод уларга вафо қилмоқда. Корейс олимлари ҳам шу ҳол. Ҳозирда Кореяда энг ҳурмат қилинадиган касблардан бири – университет профессорларидир. ■